

## 11-мавзу. БОҒДОРЧИЛИК ВА УЗУМЧИЛИК

*Режа:*

- 1. Чой. Кофе. Какао*
- 2. Боғдорчилик. Узумчилик*
- 3. Ем-хашак экинлари. Беда. Судан ўти*

### Таянч термин ва тушунчалар

Қувват берувчи ўсимликлар, чой ва унинг турлари, кофе, какао, Боғдорчилик, уруғли мевали дарахтлар, данакли мевали дарахтлар, субтропик экинлар, токчилик, ем-ҳашак экинлари

### ҚУВВАТ БЕРУВЧИ ЎСИМЛИКЛАР

Қувват берувчи ўсимликлар таркибига чой, кофе, какао киритилади. Бу ўсимликлар тропик минтақадан келиб чиққан, бугунги кунда ҳам асосан тропик мамлакатларда етиштирилади. Чой субтропикларда ҳам ўстирилади. Бундан кўринадики, қувват берувчи ўсимликларнинг экилиш ареали жуда ҳам чекланган.

Бу ўсимликлар истеъмол қилинган киши организмига ўзига хос тетиклик бахш этади, кайфиятни кўтаради. Қувват берувчи ўсимликлар дунё халқлари ҳаётига шундай кириб кетганки, айрим халқлар ҳаётини, кундалик турмуш тарзини уларсиз тасаввур этиш мумкин эмас. Ўзбек халқини чойсиз, европа халқларини кофе ва чойсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Қувват берувчи ўсимликлар ичида кенг тарқалгани чой ҳисобланади.

### ЧОЙ.

**Халқ хўжалигидаги аҳамияти.** Чой инсоният томонидан кашф этилган табиат мўъжизаларидан бири. Дунё аҳолиси томонидан энг кўп ва севиб истеъмол қилинадиган ичимлик. Чой шифобахш хусусиятларга эга. У деярли барча дардга даво бўлади. Табобатда кўплаб касалликлар чой билан даволаб келинади. Чой табобатда ич кетиш, иштаҳа қирқилиши, бош ва тиш оғриқлари, шамоллаш, қон босими, юрак хасталиги, буйрак ва жигар касалликлари, овқат

ҳазм қилиш аъзоларининг издан чиқишини даволашда қўлланилган. Чой нафас олиш аъзоларига ҳам ижобий таъсир этади, ақлни пешлайди, қонни тозалайди, оғиздан келадиган кўланса хидни йўқотади, пешоб ҳайдайди, жигар ва қон томирларидаги тўқималарини очади. Барги шишларга қўйиб боғланса уни қайтаради. Совуқ чой билан фасодли яра-чақа, шапағлашган кўзлар ювилса фойда қилади. Иссиқ чойга туз қўшиб оғиз чайилса шамоллаган мулкларга даво бўлади<sup>1</sup>. Чой кишиларнинг қуч-қудратини оширади, саломатлигини тиклайди.

Чой барглари таркибида инсон организми учун зарур бўлган алкалоидлар ва фитанцидлар мавжуд бўлиб, улар зарарли микробларни йўқотади, асабларга ором беради, шамоллаган аъзоларни қиздиради. Танин деб аталувчи экстрактив модда овқатни ҳазм қилишда фаол қашнашади. Ошқозон–ичак, юрак, қон-томир касалликлари танин билан даволанади.

**Келиб чиқиш тарихи.** Чойнинг ватани Хитой. Бундан 5 минг йил илгари кашф этилган. Дастлаб Хитойда ўстирилган. Чой хитойча «ча-ийе» сўзларидан иборат бўлиб, «яшил барг» деган маънони билдиради. Хитой табиблари томонидан доривор ўсимлик сифатида фойдаланилган, экин майдонлари кенгайтирилган. Ўрта асрларда (ИХ асрда) Хитойдан Япония ва Ҳиндихитой мамлакатларига тарқалади.

Ҳиндистонда ҳам чой етиштириш қарайб 5 минг йиллик тарихга эга. Чой Ҳиндистонда мустақил экиб келинган. Чой Европа мамлакатларига дастлаб ХВИ асрда, яъни 1517 йил венецияликларга, 1598 йил инглизларга, 1600 йилда португалларга маълум бўлади. У вақтда чой унчалик кенг оммалашмайди. Фақатгина ХВИИ асрнинг 2-ярмидагина шуҳрат қозона бошлайди. АҚШга 1773 йил олиб борилган ва машҳур «Бўстон чойхўрлиги» юз беради. Инглизлар томонидан кемага юкланган 340 яшиқ чой АҚШнинг Бостон шаҳрида «дамланади».

Россияга чой 1638 йил Монголия орқали кириб келади ва тезда оммалашиб кетади. Москва, Санкт-Петербург, кейинчалик Тула шаҳарларида

самоварлар ишлаб чиқариш бошланади. Россияда чойга талаб ортиб кетгач, чой плантациялари 1818 йил Қримда, 1833 йил Кавказда ташкил этилади.

Ўрта Осиёга чой ХИИИ асрда мўғуллар истилоси даврида кириб келган. Келтирилган чойлар сифатсиз бўлгани учун чой узок вақт давомида шуҳрат козона олмаган. Чор Россиянинг марказий минтақаларидан Ўрта Осиёга чой ХИХ асрда олиб келинади ва илиқ кутиб оланади. Шундан бошлаб халқимиз орасида чой тез тарқалади ва энг сеvimли ичимликка айланади.

Жаҳонда чой ўстириладиган асосий майдонлар Осиёда жойлашган. Хитой, Ҳиндистон, Индонезия, Япония, Вьетнам, Шри-Ланка, Грузия, Эрон, Туркия, Бангладеш каби мамлакатларда энг кўп экилади. Кейинги вақтларда Шарқий Африкада ҳам муваффақиятли ўстирила бошланди. Кения, Танзанияда ҳам юқори сифатли чойлар етиштирилмоқда.

Чой етиштириш учун қулай табиий шароитга эга бўлган Шарқий Африка мамлакатларида чой плантациялари кенгайтирилмоқда. Шарқий Африка мамлакатларида Ҳиндистонда ва Хитой чойларидан сифати асло қолишмайдиган чой етиштирила бошланди.

МДҲ да Грузия, Россиянинг Краснодар ўлкасида, Озарбайжоннинг Ленкоран пасттекислигида чой етиштирилади.

**Биологик хусусиятлари.** Чой иссиқсевар ўсимлик. Уруғлари тупроқдаги ҳарорат 20-25<sup>0</sup> иссиқликда униб чиқади. Чой тропик минтақада йил давомида, субтропикларда баҳор-ёз-куз ойларида ўсади. Ҳарорат 15-16<sup>0</sup> да ўса бошлайди. Совуқ ҳароратда ўсишдан тўхтайтиди.

Чой намликни жуда яхши кўради, доим тупроқда нам бўлишини талаб қилади. Намлик тупроқда етарли бўлса ҳосили кўпаяди.

Чой тупроқдаги озик моддаларга талабчан. Унумдор тупроқларда яхши ўсади. Шўрлашган, ботқоқлашган, кислотали тупроқларда чой экиш тавсия этилмайди.

Чой кўп йиллик ўсимлик бўлиб, 7-8 йилда шаклланади. Шоҳларида 4-5 та барг ҳосил бўлганда терилади. Чой барги (ҳосилини) йиғиштириб олиш

сермехнат ҳисобланади. Қўлда терилганда сифати юқори бўлади. Илғор теримчилар кунига 60 кг гача чой баргини териши мумкин.

Териб чиқилган чой барглари яхшилаб қуритилади ва прессланиб, чойни қайта ишлаш заводларига жўнатилади.

Дунё бўйича 2000 йил 3 млн.т. чой етиштирилди. Унинг асосий қисмини Осиё мамлакатлари, биринчи галда Ҳиндистон, Хитой, Шри-Ланка етказиб беради(26-жадвалга қаранг).

26-жадвал

Жаҳон мамлакатларида чой етиштириш  
(2000 йил)

Мамлакатлар	Ялпи ҳосили, минг т	Мамлакатлар	Ялпи ҳосили, минг т	Мамлакатлар	Ялпи ҳосили, минг т
Ҳиндистон	854	Туркия	120	Аргентина	52
Хитой	695	Япония	89	Малави	50
Шри-Ланка	295	Вьетнам	65	Танзания	26
Кения	239	Эрон	60	Грузия	24
Индонезия	169	Бангладеш	56		

Жаҳон бўйича етиштирилган чойнинг катта қисми четга чиқарилади. Чойни энг кўп истеъмол қилувчи мамлакатлар уни етиштирувчи давлатлар эмас, балки уни сотиб олувчи мамлакатлар ҳисобланади. Энг кўп истеъмол қилувчи мамлакатлар Тибет, Ливия, Буюк Британия, Ирландиядир (27-жадвалга қаранг).

27-жадвал

Жаҳон мамлакатларида чой истеъмоли <sup>1</sup>  
(К.Маҳсудов маълумотлари бўйича)

№	Мамлакатлар	Жон бошига бир йилда ичиладиган чой, грамм ҳис.	Ўрин
1.	Тибет	6000	И
2.	Ливия	4055	ИИ

3.	Буюк Британия ва Ирландия	4002	ИИИ
4.	Ўзбекистон	3650	ИВ
5.	Канада	1250	В
6.	Голландия	770	ВИ
7.	Миср ва Япония	680	ВИИ
8.	АҚШ	430	ВИИИ
9.	МДХ	311	ИХ
10.	Ҳиндистон	290	Х
11.	Покистон	160	ХИ
12.	Хитой	130	ХИИ

Жадвал Маҳкамов К. Чойнома.-Т.: Камалак, 1993-Б.40 асосида тузилган.

## КОФЕ

**Халқ хўжалигидаги аҳамияти.** Кофе ҳам чой каби энг қўп ва севиб истеъмол қилинадиган ўсимлик. Унинг таркибидаги кофеин моддаси инсонга куч бағишлайди, меҳнат қобилиятини оширади, юрак фаолияти ва асаб тизимини яхшилайди.

Кофени ёш болаларга ичириш тавсия этилмайди.

Кофе Африка (Эфиопия)дан келиб чиққан. Эфиопия ва Нубияда қадимдан етиштириб келинган. Европага ХВИ асрда маълум бўлади. Америкада ХВИИИ асрдан бошлаб экила бошланади.

28-жадвал

### Жаҳон мамлакатларида хом кофе йиғими (2001)

Мамлакатлар	Ялпи ҳосили, минг т	Мамлакатлар	Ялпи ҳосили, минг т	Мамлакатлар	Ялпи ҳосили, минг т
Бразилия	33,7	Таиланд	1,3	Боливия	0,18
Вьетнам	13,3	Янги Гвинея	1,2	Панама	0,17
Колумбия	11,0	Эквадор	1,17	Малайзия	0,16
Индонезия	6,3	Венесуэла	1,13	Зимбабве	0,15
Мексика	5,5	Бенин	0,97	Гвинея	0,12
Ҳиндистон	5,0	Конго ДР	0,9	Яман	0,07
Кот д'Ивиар	4,2	Танзания	0,77	Ангола	0,07
Гватемала	3,8	Филиппин	0,73	Малави	0,06

Эфиопия	3,8	Доминикан Республикаси	0,65	Нигер	0,06
Уганда	3,2	Мадагаскар	0,56	Замбия	0,06
Гондурас	2,83	Гаити	0,5	Серра Лионе	0,05
Коста-Рика	2,56	Бурунди	0,38	Ямайка	0,04
Перу	2,55	Лаос	0,3	Шри-Ланка	0,04
Сальвадор	1,7	Куба	0,3	Гана	0,04
Камерун	1,55	Того	0,3	Парагвай	0,03
Никарагуа	1,35	АҚШ	0,21		

Ҳозирда кофе плантацияларининг асосий қисми Латин Америкасида жойлашган. Бу минтақанинг Бразилия, Колумбия мамлакатларида кофе энг кўп миқдорда етиштирилади.

Кофе тропик экин. Шунинг учун унга иссиқсевар, ёруғсевар ўсимлик, ҳаво ҳарорати юқори бўлиши зарур. Кофенинг энг муҳим биологик хусусияти-унинг ниҳоллари соялатиб сақланиши керак.

Кофе намликни кўп бўлишини (1500-2000 мм) талаб этади. Унумдор, ғовак, кумоқ тупроқларда яхши ўсади.

Жаҳон мамлакатларида 7,3 млн.т. кофе етиштирилди(2000). Унинг асосий қисми Бразилия, Вьетнам ва Колумбияга тўғри келади (28-жадвалга қаранг).

## **КАКАО**

Какао озиқ-овқат саноатида, айниқса шоколад тайёрлашда муҳим хом ашё ҳисобланади. Ундан шифобахш шамлар, лаб бўёқлари олинади.

Какаонинг ватани Мексика. Европага ХВИ асрда олиб келинади. Ҳозирда «иккинчи ватани»-Африка мамлакатларида энг кўп етиштирилади. Гвинея қўлтиғи мамлакатлари дунё бўйича энг кўп какао етиштирадилар. Шунингдек, Индонезия, Бразилия, Малайзия, Эквадор ва Кариб ҳавзаси мамлакатларида ҳам энг кўп етиштирилади (29-жадвалга қаранг).

Дунё бўйича 3,2 млн.т. какао етиштирилди (2000).

## Жаҳон мамлакатларида какао етиштириш (2000)

Мамлакатлар	Ялпи ҳосили, минг т	Мамлакатлар	Ялпи ҳосили, минг т	Мамлакатлар	Ялпи ҳосили, минг т
Кот д'Ивиар	1300	Эквадор	95	Серра Леоне	11
Гана	437	Колумбия	52	Конго ДР	7
Индонезия	362	Доминика Республикаси	47	Филиппин	7
Нигерия	338	Янги Гвинея	39	Того	7
Бразилия	193	Мексика	34	Ҳиндистон	6
Камерун	120	Перу	25	Экв. Гвинея	5
Малайзия	98	Венесуэла	19	Гаити	5

Боғдорчилик-қишлоқ хўжалигининг муҳим ва қадимий тармоқларидан бири бўлиб, у асосан мева ва резавор-мева маҳсулотларини етиштириш билан шуғулланади. Озиқ-овқат ва енгил саноатни хом ашё билан таъминлайди. Боғдорчиликнинг асосий маҳсулоти меваларда инсон организми учун жуда зарур бўлган витаминлар, углеводлар (қанд), органик кислоталар, оқсил, мой, минерал тузлар ва овқатни ҳазм бўлишига ёрдам берадиган бошқа моддалар кўп бўлади. Шунинг учун мевалар нон, гўшт ва сут маҳсулотлари каби озиқ-овқат рационидида асосий ўрин тутди ва севиб истеъмол қилинади.

Айрим мевали дарахтлар ёғочи қурилиш ва мебель саноатида кенг ишлатилади. Масалан, ёнғоқ дарахти ёғочсозликда қимматбаҳо материал ҳисобланади. Ўрик, олма, нок, шафтоли дарахтлари ёғочидан уй-рўзгор мақсадларида фойдаланилади.

Боғдорчилик дунёнинг айрим минтақаларида жуда яхши ривожланган ва у қишлоқ хўжалигида асосий ихтисослашган тармоқ ҳисобланади. Умумжаҳон боғдорчилигида Ўрта денгиз, Кариб ва Форс ҳавзаси мамлакатлари алоҳида ажралиб туради. Боғдорчиликнинг ривожланган мазкур ареалларида меваларнинг асосий қисми экспортга чиқарилади. Италия ва Испания учун

цитрус мевалари, Эквадор, Панама, Гондурас учун банан, Ироқ, Эрон учун хурмо етиштириш халқаро аҳамиятга эга.

Энг кўп ҳосил тропик минтақада жойлашган мамлакатларга тўғри келади. Жаҳон мамлакатлари ичида мевалар етиштириш бўйича Хитой етакчилик қилади. 2-ўринда Ҳиндистон, 3-ўринда Бразилия туради. Ривожланган мамлакатлар(АҚШ, Италия, Испания) кейинги ўринларни банд этади. Қуйидаги 30-жадвалда энг кўп мева етиштирувчи 10 та мамлакатлар келтирилган.

Ўзбекистонда ҳам боғдорчилик қадимдан ривожланиб келган. Меваларни етиштириш ҳақидаги дастлабки маълумотлар эрамиздан олдинги 5-асрларга оид манбаларида учрайди. Минг йиллар давомида халқ селекционерлари томонидан мевали дарахатларнинг энг яхши навларини яратиб такомиллаштириб келинган.

30-жадвал

#### Энг кўп мева етиштирувчи мамлакатлар

Мамлакатлар	Ялпи ҳосили млн.т. ҳис.	Мамлакатлар	Ялпи ҳосили млн.т. ҳис.
Хитой	66,1	Испания	15,1
Ҳиндистон	38,6	Мексика	12,5
Бразилия	37,2	Франция	11,9
АҚШ	32,5	Эрон	11,7
Италия	19,0	Туркия	10,4

Жаҳон боғдорчилигида Ўзбекистон ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Ўзбекистонда етиштирилган анор, анжир, хурмо, ёнғоқ, ўрик, гилос, олма, нок ва бошқа мевалар доврўғи оламга машҳур. Республика боғларида ранг-баранг ва шириндан шакар мевалар етиштирилади

Боғдорчилик меваларнинг келиб чиқиши ва биологик хусусиятларига кўра қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

1. Уруғли мевали дарахтлар;

2. Данакли мевали дарахтлар;
3. Резавор мевалар;
4. Ёнғоқ мевалилар;
5. Субтропик мевалар.

**Уруғли мевали дарахтлар.** Уруғлиларга олма, нок, беҳи киритилади. Данаклиларга нисбатан географияси кенгроқ. Уруғлилар данаклилар (ўрик)дан кейин гуллайди. Шунинг учун нисбатан шимолроқ, нисбатан салқин худудларда ҳам уруғлилар етиштирилади. Бу гуруҳга олма, нок, беҳидан ташқари анжир, анор, жийда, хурмо, хандон писта ҳам киритилади.

**Данакли мевали дарахтлар.** Данаклиларга олча, гилос, олхўри, ўрик, шафтоли, бодом киради. Бу мевали дарахтлар нисбатан иссиқ иқлимли худудларда экилади. Улар ичида олча катта майдонга эга ва бу жиҳатдан олмадан кейинги ўринда туради.

Ўрик Фарғона водийсида қадимдан экиб келинади. Ўриқдан шифобахш ўрик шинниси тайёрланади.

**Ёнғоқ мевалиларга** ёнғоқ, писта, пекан, фундук ва бошқалар киради. Ёнғоқ-релект эндемик ўсимлик бўлиб, у асосан Фарғона водийсида тарқалган. Ёнғоқ меваси шифобахш хусусиятга эга бўлгани учун халқ табобатида кўп ишлатилади.

Мебель саноатида ёнғоқ ёғочи ва илдизига бўлган эҳтиёж йилдан-йилга ортиб бормоқда.

**Резавор мевали ўсимликларга** кулупнай, малина, смародина, маймунжон, ер тут (земляника) киради. Улар орасида земляника ва малина энг кўп тарқалган. Асосан Европа, Осиё ва Америкада етиштирилади.

**Субтропик мевалиларга** тропик ва субтропик минтақалардан келиб чиққан анор ва анжир очик далаларда, лимон, апельсин, мандарин, шарк хурмоси иссиқхоналарда кўпроқ етиштирилади. Республиканинг барча вилоятларида лимон ўстириладиган иссиқхоналар ташкил этилган(400 га дан ортиқ).

**АНОР** Фарғона, Сурхондарё, Бухоро, Самарқанд ва бошқа вилоятларда энг кўп етиштирилади. Бу соҳада Фарғона водийсида Кува ва Сурхондарёда

Дашнабод анорлари машхур. Анор кўчатлари 2-3 йилда ҳосилга киради. 7-8 йилдан бошлаб яхши ҳосил бера бошлайди. Анор қора совуққа чидамсиз, -15 градус совуқда нобуд бўлади. Шунинг учун анор қишда кўмилади ёки похол-коғозлар билан ўраб қўйилади.

**АНЖИР.** Анжир муҳим субтропик экинлардан бири. У Ўзбекистоннинг барча вилоятларида экилади. Анжир анор каби 2-3 йилда мевага киради. 7-8 йилда тўлиқ ҳосил бера бошлайди. Қора совуққа чидамсиз, янги кўчатлар –15 градусда, ҳосилга кирганлари –20-22 градусда нобуд бўлади.

Анжир иссиқсевар, ёруғсевар, озиқ моддаларга талабчан ўсимлик. Бўз, каштан, қизил, қўнғир тупроқларда яхши ўсади.

Жаҳон бўйича йилига ўртача 455,8 млн.т мевалар йиғиштириб олинади. Улар ичида апельсин (65,7 млн.т), олма (59,4 млн.т), банан (58,3 млн.т) энг кўп етиштирилади (2000 йил). Қуйидаги 31-жадвалда жаҳон боғдорчилигида меваларнинг ялпи ҳосили ҳақидаги маълумотлар билан танишишингиз мумкин.

31-жадвал

#### Меваларнинг ялпи ҳосили

Меваларнинг турлари	Ялпи ҳосили, млн.т ҳисобида	Меваларнинг турлари	Ялпи ҳосили, млн.т ҳисобида
Апельсин	65,7	Манго	11,2
Олма	59,4	Лимон	9,8
Банан	58,3	Олхўри	9,1
Мандарин	17,9	Хурмо	5,2
Нок	16,9	Ўрик	2,7
Ананас	13,7	Кулупнай	3,1
Шафтоли	13,2	Малина	0,35

**Олма**-мўътадил минтақа ўсимлиги. Унинг 35 га яқин тури мавжуд. Маданийлаштирилган олма навлари ёввойи, ўрмон, парадизка, шарқий, Хитой, дусен турларидан келтириб чиқарилган. 3-15 йилда ҳосил бера

бошлайди. Эртаги, ўрта ва кечки навларга бўлинади. Ўзбекистонда 200 га яқин тури ўстирилади.

Олма асосан мўътадил ва субтропик минтақаларда тарқалган. Шунинг учун уни етиштирувчи ва энг кўп ҳосил олувчи мамлакатлар мўътадил ва субтропик мамлакатлар ҳисобланади. Олманинг ҳосили жиҳатидан Хитой барча мамлакатлардан мутлақ устунлик қилади(21,5 млн.т).

Олма АҚШ, Туркия, Италия, Эрон, Франция, Россия ва бошқа давлатларда ҳам кўп етиштирилади (31-жадвалга қаранг).

31-жадвал

Жаҳон мамлакатларида олма етиштириш (2000 йил)

Мамлакатлар	Ялпи ҳосили, млн.т	Мамлакатлар	Ялпи ҳосили, млн.т	Мамлакатлар	Ялпи ҳосили, млн.т
Хитой	21,5	Бразилия	1,1	Мексика	0,47
АҚШ	4,8	Чили	1,0	Бельгия	0,47
Туркия	2,4	Германия	0,9	Нидерландия	0,47
Эрон	2,2	Япония	0,8	Руминия	0,42
Италия	2,2	Испания	0,7	Австрия	0,4
Франция	1,9	ЖАР	0,65	Миср	0,4
Россия	1,8	КХДР	0,65	Янги Зеландия	0,4
Польша	1,3	Венгрия	0,56	Швейцария	0,38
Ҳиндистон	1,3	Канада	0,53	Покистон	0,38
Украина	1,3	Корея Республикаси	0,5	Чехия	0,3

**Нок** – энг қадимий ўсимликлардан бири бўлиб, майдонига кўра мевали дарахтлар ичида 5-ўринда туради. Унинг 60 га яқин тури мавжуд. Оддий, снежная, уссури навлари кенг тарқалган. Тўрт йилдан кейин ҳосилга киради.

Нок ҳосили бўйича Хитой 1-ўринни эгаллайди. Дунё бўйича нок ҳосилининг қарийб тенг ярми (1F2 қисми) биргина Хитойга тўғри келади. Бу мамлакатда 2000 йил 8,5 млн.т нок йиғиштириб олинди. Нок ялпи ҳосилида

Италия (0,9 млн.т), АҚШ (0,9 млн.т), Испания (0,7 млн.т), Аргентина (0,5 млн.т) юқори ўринларни эгаллайди.

**Олча** – тарқалиш ареали жиҳатидан фақатгина олмадан кейинги ўринда туради. Унинг 150 дан ортиқ тури аниқланган. Оддий чўл тукли, сахро гилос турлари маданий олчаларнинг авлоди ҳисобланади. Бугунги кунда олчанинг 1000 дан ортиқ навлари мавжуд.

Олчанинг ялпи ҳосили бўйича Хитой(4,2 млн.т) биринчи, АҚШ (0,67 млн.т) иккинчи, Руминия (0,47 млн. т) учинчи ўринларни эгаллайди. Шунингдек, Югославия, Германия, Франция, Туркияда ҳам кўп етиштирилади.

Мевалар ялпи ҳосили жиҳатидан қуйидаги мамлакатлар дунё бўйича 1-ўринда туради(2000 йил):

- шафтоли, Хитой-3,6 млн.т;
- ўрик, Туркия-0,5 млн.т;
- хурмо, Эрон-0,9 млн.т;
- банан, Ҳиндистон-15,1 млн.т;
- манго, Ҳиндистон-12,0 млн.т;
- ананас, Таиланд-2,3 млн.т;
- апельсин, Бразилия-22,7 млн.т;
- мандарин, Хитой-5,1 млн.т;
- лимон, Мексика-1,3 млн.т;
- қулупнай, АҚШ-820 минг т;
- малина, Россия-95 минг т;
- ёнғоқ, АҚШ-1039 минг т;
- бодом, АҚШ –485 минг т;
- писта, Эрон-200 минг т.

Мевали дарахтлардан боғ барпо қилиш учун қиялиги паст бўлган, озуқа моддаларга бой ерлар танланади. Бу вақтда ер ости сувлари, шамоллар ҳисобига олиниши зарур. Мевали дарахтлар кўчати одатда куз ва баҳорда

экилади. Вақтида суғориб, ўғитлаб турилса ҳосили ортади. Мевали дарахтларда соғлом, бақувват, мўл ҳосил берадиган, ҳосили эртароқ пишиб етилишини таъминлаш, ҳосилини тиргавучларсиз ўзи кўтариб тура оладиган шаклларни кўпайтириш мақсадларида шакл берилади. Шакл бериш ишлари киш ва ёз ойларида амалга оширилади.

### **ТОКЧИЛИК**

Аҳолини узум ва узум маҳсулотлари билан таъминлашда токчилик муҳим ўрин тутди. Токчиликнинг асосий мақсади аҳолини янги, хўраки узум ва майиз, вино саноатини хом ашё билан таъминлашдан иборат. Узум янгилигида, қуритилган (майиз ва кишмиш) ҳолда истеъмол қилинади. Шунингдек, вино, шарбат, кислоталар тайёрланади. Узум таркибида сув, шакар, олма, лимон, темир ва бошқа моддалар, турли витаминлар бўлади.

Узумчилик уч хил ҳолатда бўлади:

1. Тўғридан-тўғри истеъмол қилинадиган хўраки узумлар етиштириш;
2. Винобоп узумлар етиштириш;
3. Майиз (кишмиш) тайёрлаш.

Токнинг 70 га яқин тури мавжуд. Ток қаламчадан кўпаяди. Унинг илдиз системаси яхши ривожланган бўлиб, сув ва озуқа излаб 7 метр чуқурликкача туша олади. Нави ва табиий шароитга қараб 2-3 йилда ҳосилга киради. 60-80 йилгача яшайди. Узум новдаси маҳаллий шароитда ерда (Бухоро, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхандарё вилоятларида), ишжомда ва сўриларда (асосан Фарғона водийсида) ўстирилади.

Узумга баҳор ва ёз ойларида бир неча марта шакл берилади. Хомток қилинади. Хомток вақтида серҳосил новдалар қолдирилиб, кам ҳосил ва мева қилмаган новдалар қирқиб ташланади. Кейинги хомтоқларда бачки ва йирик барглари олиб турилади.

Узум кузда қирқилади. Новдаларда 3-5, 5-7 ва ундан ортиқ бўғимлар қолдирилиб қирқилади. Узум новдалари кузда совуқ уриб кетмаслиги учун

йиғиштирилиб, боғланади ва тупроққа кўмилади. Баъзи ҳолатларда похол ёки қоғоз билан ўраб қўйилади.

32-жадвал

Жаҳон мамлакатларида узум етиштириш (2000 йил)

Мамлакатлар	Ялпи ҳосили, млн.т	Мамлакатлар	Ялпи ҳосили, млн.т	Мамлакатлар	Ялпи ҳосили, млн.т
Италия	9,8	Корея Республикаси	0,48	Саудия Арабистони	0,12
Франция	7,6	Мексика	0,46	Арманистон	0,12
АҚШ	6,7	Болгария	0,45	Тожикистон	0,11
Испания	5,7	Сурия	0,41	Перу	0,1
Туркия	3,6	Югославия	0,36	Исроил	0,09
Хитой	3,4	Грузия	0,35	Покистон	0,08
Эрон	2,3	Украина	0,34	Янги Зеландия	0,08
Аргентина	2,2	Афғонистон	0,33	Озарбайжон	0,07
Чили	1,7	Австрия	0,28	Албания	0,07
Германия	1,7	Ироқ	0,26	Чехия	0,07
ЖАР	1,5	Марокаш	0,25	Словакия	0,06
Австралия	1,3	Япония	0,24	Канада	0,06
Греция	1,2	Ливан	0,24	Қозоғистон	0,04
Миср	1,0	Македония	0,24	Таиланд	0,03
Руминия	1,0	Россия	0,2	Қирғизистон	0,03
Португалия	0,9	Яман	0,17	Боливия	0,02
Бразилия	0,87	Туркменистон	0,15	Колумбия	0,02
Ҳиндистон	0,7	Тунис	0,15	Парагвай	0,02
Венгрия	0,68	Уругвай	0,14	Люксембург	0,02
Молдова	0,5	Словакия	0,13	Мадагаскар	0,01

Ёш баргларида каватак тайёрланади.

Узум жаҳон миқёсида Жанубий Европа, Кичик ва Ўрта Осиё, Кавказ мамлакатларида энг кўп етиштирилади. Айниқса Франция ва Грузия, узумдан

тайёрланган винолари билан дунёга машхур. Узумнинг ялпи ҳосили бўйича Италия, Франция, Испания, Туркия энг олдинги ўринларни эгаллайди(32-жадвалга қаранг).

Ўзбекистонда ҳам токчилик қадимий тармоқлардан бири. Фарғона водийси, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида ривожланган. Ўзбекистонда токчиликнинг хўраки, майизбоп ва консерва маҳсулотлари, виночилик йўналишлари тараққий этган. Токзорлар майдони 135 минг гектарга яқин.

Ўзбекистонда токнинг Каттақўрғон, ҳусайни, қизил, чилги ва бошқа навлари кўп экилади. Самарқанд вилояти узумдан тайёрланадиган майизлари билан шуҳрат қозонган.

Ўзбекистонда 2006 йил 790,4 минг тонна узум етиштирилди. Унинг 32,8 % ёки 259, 8 минг тоннаси биргина Самарқанд вилоятига тўғри келади. Бу вилоятдан ташқари Бухоро(120,5 минг тонна), Тошкент(90,1 минг тонна) ва Сурхондарё(88,9 минг тонна) вилоятларида ҳам кўп етиштирилади.

#### **ЕМ-ҲАШАК ЭКИНЛАРИ**

Ем-ҳашак учун экиладиган ўсимлик ва экинлар деҳқончиликда салмоқли ўрин тутди. Бу соҳа чорва моллари учун хилма-хил ва тўйимли озуқа етиштириб беради. Ем-ҳашак экинлари чорвачиликни ривожлантиришда ва озуқа базасини мустаҳкамлашдаги аҳамияти жуда юқори. Негаки, ем-ҳашак экинлари етиштиришни кўпайтирмасдан туриб, чорвачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш мумкин эмас. Ўз навбатида ҳашаки экинлар тупроқни чириндига бойитади, унинг сув, ҳаво ўтказиш қобилиятини оширади, физик хоссаларини яхшилади, микробиологик фаолиятини кучайтиради. Тупроқнинг унумдорлигини оширади. Ем-ҳашак экинлари экилганда тупроқ сув ва шамол эрозиясидан сақланади. Тупроқнинг кимёвий таркиби ўзгариб, шўрлашишга қарши курашиш қобилияти ортади.

Ўзбекистон шароитида ем-ҳашак етиштиришни кўпайтиришда оралик экинлардан кенг фойдаланилади. Бу экинлар асосий экинлардан бўшаган майдонларда экилади. Оралик экинлар кўпроқ ем-ҳашак олиш, йил давомида

суғориладиган ерлардан фойдаланиш имкониятини яратади. Алмашлаб экиш натижасида тупроқларнинг агромелеоратив ҳолати яхшиланади, тупроқ унумдорлиги ортади.

Ем-ҳашак экинларига донли ем-ҳашак, тугунак ва илдиз мевали, ҳашаки поллиз, силосбоп, дуккакли экинлар ҳамда ҳашаки ўтлар киради. Бу экинлардан чорва молларига тўйимли силос, сенаж тайёрланади. Дони чорва молларига берилади.

Ем-ҳашак экинлари кўп йиллик ва бир йиллик ўсимликларга бўлинади.

Кўп йиллик ўтлар беда, райграс, бетага, эркаўт, сув буғдойик, ажриқбош ва бошқа экинлардан ташкил топган.

Бир йиллик ўтларга судан ўти, африка тариғи, ҳашаки кўп нўхат, шабдар, сули, ҳашаки арпа ва тарик киради.

Ем-ҳашак экинлари майдони республика қишлоқ хўжалиги жами ерларининг 7,7 % ига тенг бўлиб, бу майдонларда беда, маккажўхори, озуқабоп лавлаги ўстирилади. Ёғ-мой корхоналари чорвачиликда талаб юқори бўлган кунжара, шулха, аралаш ем каби муҳим ем маҳсулотлари билан таъминлайди.

Ўзбекистонда ем-ҳашак экинларидан беда энг кўп экилади.

## **БЕДА**

**Халқ хўжалигидаги аҳамияти.** Беда асосий ва қимматли ем-ҳашак экинларидан бири. Беданинг таркибида чорва моллари учун жуда зарур моддалар-оксил, фосфор, кальций ва аминокислоталар кўп бўлади. Беда кўклигича ёки қуритилган ҳолда, кўпроқ эса силос қилиниб чорва молларига берилади. Чорва ҳайвонлари уни хуш кўриб истеъмол қилади.

Беда экилган тупроқлар таркиби яхшиланади ва унумдорлиги ортади. Беда пахта билан алмашлаб экиладиган асосий экин. Алмашлаб экишда пахта-беда варианты Ўзбекистонда энг кенг тарқалган. Беда тупроқнинг мелиоратив ҳолатини яхшилайти, шўрлашиш даражаси ва вилт касаллигини камайтиради.

Беда экилган майдонлардан гектаридан ўртача 200 ц. гача пичан олинади.

**Келиб чиқиши ва тарқалиши.** Беда-қадимий экинлардан бири. Ўрта денгиз ҳавзаси (айрим манбаларда қадимги Эрон (Медия)) унинг ватани ҳисобланади. Ўрта Осиёда бундан 2-2,5 минг йил илгари А.Македонский кўшинлари томонидан олиб келинган. Шундан буён беда асосий ем-ҳашак экини сифатида экиб келинади.

**Биологик хусусиятлари.** Беда иссиқсевар ўсимлик. Уруғлари 1-3<sup>0</sup> да униб чиқади, 20-25<sup>0</sup> ҳароратда яхши ўсиб, ривожланади. Майсалари 5-6<sup>0</sup> совуққа чидай олади. Қор тагида –40-44<sup>0</sup> совуққа бардош бера олади.

Беданинг вегетация даврида фойдали ҳароратлар йиғиндиси 3800-4000<sup>0</sup> бўлиши керак.

Озуқа моддаларга талабчан. Енгил, озуқага бой унумдор тупроқларда жуда яхши ўсади ва юқори ҳосил беради.

Беда ўзини-ўзини азот билан таъминлаши билан бирга, илдизлари орқали ҳаводан азотни ўзлаштириб, тупроқни азот билан бойитади.

Беда ўсиб ривожланиши учун қора, каштан, бўз ва ўтлоқ-бўз тупроқлар қулай; нордон, шўр, ботқоқли, кам унум ерлар ноқулай ҳисобланади.

Ўзбекистонда беда кўпроқ пахта билан алмашлаб экилади. Бундан ташқари, кузги дон ва полиз экинлари, кунгабоқар билан алмашлаб экилганда яхши самара беради. Судан ўти, маккажўхори ва қанд лавлагидан бўшаган майдонларга беда экиш тавсия этилмайди. Чунки бу экинлар ернинг барча озик моддаларини ўзлаштириб, ерни ориқлантириб қўяди.

Беда Ўрта Осиё, Кичик Осиё, Ҳиндистон, Ўрта денгиз мамлакатлари, АҚШ, Россия ва Украинада кўп экилади.

## **СУДАН ЎТИ**

Судан ўти энг кўп экиладиган қимматли ем-ҳашак экинларидан бири. У чорва моллари учун жуда тўйимли, озуқаларга бой ўсимлик. Уни яхши озиклантириб, суғориб турилса, бир йилда 5-6 марта ўриб олиш мумкин.

Ватани – Судан.

Иссиққа, ёруғликка талабчан. 8-10<sup>0</sup> да униб чиқади. Қора совуққа чидамсиз, 3-4<sup>0</sup> совуқ уни нобуд қилади. Илдиз системаси яхши ривожланганлиги учун жуда қурғоқчиликка ҳам бардош бера олади.

Судан ўти барча тупроқларда, айниқса қумлоқ тупроқларда жуда яхши ўсади.

Ўзбекистонда ем-хашак экинлари сифатида шолғом, хашаки сабзи, лавлаги, турп, хашаки картошка кўп экилади. Бу экинлар чорва молларига кўкликгича ёки силос қилиб берилади. Шунингдек, маккажўхори, кунгабоқар, хашаки карам, кузги рапс силос тайёрлаш учун экилади.

### **Мавзунини такрорлаш ва мустаҳкамлаш учун саволлар**

1. Қувват берувчи ўсимликларга қайси экинлар киритилади ва улар қайси минтақаларда етиштирилади?
2. Чой қандай шифобахш хусусиятларга эга?
3. Чойнинг тарқалиш тарихи хусусида нималарни биласиз?
4. Нима учун чой Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларида энг кўп экилади?
5. Нима учун кофе Лотин Америкаси мамлакатларида энг кўп етиштирилади?
6. Нима учун кофе ва какао ўзининг «иккинчи ватани»да энг кўп экилади?
7. Боғдорчиликнинг асосий вазифаси нима?
8. Умумжаҳон боғдорчилигида қайси ареаллар алоҳида ажралиб туради?
9. Боғдорчилик қандай гуруҳлардан ташкил топган?
10. Анор ва анжир етиштирадиган машҳур вилоятларни айтинг.
11. Олма қайси минтақаларда энг кўп етиштирилади?
12. Узум қайси мамлакатларда энг кўп етиштирилади?
13. Ўзбекистонда тоқчилик қайси вилоятларда ривожланган?
14. Ем-хашак экинларидан қайсилари энг кўп экилади?
15. Нима учун беда пахта билан кўпроқ алмашлаб экилади?
16. Мевали дарахтлардан мебель саноатида қандай мақсадда фойдаланилади?

### **Тавсия этиладиган адабиётлар**

1. Асанов Г. ва бошқ. Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий жўғрофияси. -Т.: Ўқитувчи, 1994. -209 б.
2. Бешимова Ш., Салимова Л. Ўсимлик маҳсулотлари етиштириш технологияси ва экология. -Т.: Ўзбекистон, 1994. -381 б.
3. Ёрматова Д. Дала экинлари биологияси ва етиштириш технологияси. -Т.: ДИТАФ, 2000. -324 б.
4. Рўзиев А. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши асослари. -Т.: Ўқитувчи, 1990. -152 б.

5. Чет эл иқтисодиёти алманахи. -Т.: Фан, 2003. -122 б.
6. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти. Тузувчи муаллиф А.Тўхлиев. -Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 1998. -237 б.
7. Қишлоқ хўжалиги асослари. -Т.: Ўқитувчи, 1976. -292 б.
8. Қодиров Р. Қишлоқ хўжалиги географияси (Маърузалар матни). -Андижон. 2000.